

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz





*Ҳакимова Фазолат Хошимовна,
Бухоро давлат университети,
Психология кафедраси ўқитувчиси*

МОСЛАША ОЛМАСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ МАКТАБГАЧА ВА КИЧИК МАБТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТУРЛИ ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар гуруҳларида ижтимоий психологик мослашув шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ва бу жараёнда болада кечадиган нотўғри психологик ривожланишларни психокоррекция қилиш ҳақида ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: Психокоррекция, конструктив мулоқот, коррекцион бузилиш, ижтимоий тараққиёт, муносабат, агрессивлик, ўжарлик, тортинчоклик, ижтимоий психологик мослашув.

Аннотация: В статье рассмотрены особенности формирования социально-психологической адаптации в группах пловцов дошкольного и младшего школьного возраста и проведена психокоррекция аномального психологического развития ребенка в этом процессе.

Ключевые слова: психокоррекция, конструктивное общение, коррекционное расстройство, социальное развитие, установка, агрессия, упрямство, застенчивость, социально-психологическая адаптация.

Annotation: This article describes the peculiarities of the formation of social psychological adaptation in groups of swimmers of preschool and primary school age and the psychocorrection of the abnormal psychological development of the child in the process.

Keywords: Psychocorrection, constructive communication, correctional disorder, social development, attitude, aggression, stubbornness, shyness, social psychological adaptation.

Бугунги кунда мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънавий жиҳатдан шаклланган қилиб вояга етказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар ривожланиши ва тарбияси – бир бутун ва узлуксиз жараён бўлиб, у доимо психолог, педагог ва ота-оналарнинг диққат этиборида бўлиши зарур. Бола қанчалик муваффақиятли ривожланаётганлигини ижтимоий тараққиёт йўлини эгалаш жараёнида қандай тўсиқлар ўчраши мумкунлигини олдиндан тушуниш малакавий ёндашувни талаб этади.

Шахс ривожланиш жараёнида турли ўзгаришларни бошидан ўтказади. Турли характерга эга булган объектив ва субъектив омиллар таъсирида хусусан мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар хулқ атворида ўзгаришлар, жумладан уятчанлик, агрессивлик, ўжарлик, тортинчоклик, ўқув жараёнларига мослаша олмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Бу каби хусусиятлардан уятчанлик ва тортинчоклик ҳақида тўхталадиган булсак, болалар табиатини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, уятчанлик ва тортинчоклик хусусиятлари мактаб ёшигача бўлган болалар даврида кўпроқ булишини қуйидаги диаграмма орқали ҳам билиб олишимиз мумкин.



- 1- ўзини мослаштириш
- 2-ўзини четга олиш
- 3-Уятчанлик
- 4- ўжарлик
- 5- тортинчоклик

Бу маълумотлар уятчан болаларнинг ўзини ўзи баҳолашда ва бошқаларнинг баҳолашларида фарқ кузатилади. Яна бошқа бир кескин фарқ боланинг тарбиячи томонидан баҳолашида намоён бўлади. Уятчан бўлмаган болаларда бундай бўзилишлар кам кузатилади ва анчагина заиф ифодаланади.

Уятчан бола – бу шундай болаки, бир томондан, бошқа одамларга яхши муносабатда бўлади, улар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилади, бошқа томондан эса – ўзини ва ўз коммуникатив эҳтиёжларини кўрсатишни хоҳламайди, бу ўзаро муносабатларда келишмовчиликка олиб келади. Бундай келишмовчиликларнинг сабаби уятчан боладаги ўзига бўлган муносабат хусусиятларига боғлиқдир. Бир томондан, бола ўзини-ўзи баҳолашнинг юқори даражасига эга бўлади, ўзини энг зўр деб ҳисоблайди, иккинчи томондан эса – бошқа одамларнинг, айниқса бегоналарнинг ўзига нисбатан ижобий муносабатда бўлишига кўзи етмайди. Шу сабабли улар билан мулоқотда уятчанлик янада ёркинроқ намоён бўлади. Уятчан боланинг ўз кадр-қимматига бўлган ишончсизлиги бошқа одамлар учун унинг шаклланаётган мотивацион эҳтиёж соҳасини беркитиб қўяди. Ҳамкорликдаги фаолият ва мукамал мулоқотда болага ўз эҳтиёжларини тўлақонли қондиришига имкон бермайди.

Уятчан болаларнинг ўзига бўлган муносабати ўзаро ҳатти-ҳаракатларнинг ва ўзини баҳолашнинг ҳар қандай кўринишидаги ўз шахсига эътибор қаратишнинг юқори даражаси билан характерланади. Бола бажарадиган ҳамма нарса, гўёки бошқалар кўзи билан баҳоланади ва бу, унинг наздида ўз шахсиятининг кадр-қимматига хавф солади. Ўз “Мен”и ҳақида юқори сезувчанлик кўпинча ҳамкорликдаги фаолият ва мулоқот мазмунига тўсқинлик қилади. Эътироф ва ҳурмат мотивлари, билимга ва ишга доир мотивлардан устун ҳолда, бола учун ҳамиша энг асосийси сифатида намоён бўлади, бу ўз имкониятларини тўлиқ амалга оширишга ва бошқалар билан мукамал мулоқот қилишга тўсқинлик қилади. Феъл-атвори маълум бўлган яқин одамлар билан мулоқотда унинг сезувчанлиги соя ортига беркинади, бегоналар билан муносабатда эса, хулқнинг ҳимоя шаклига эга ҳолда, яни энг асосий ўринда намоён бўлади, бу шакл «ўзидан кетиш», баъзан эса «лоқайдлик ниқоби» деб аталади. Ўзининг ожизлигидан қаттиқ ташвишланиш болани чеклаб қўяди, гоҳида унга ўзининг энг яхши имкониятларини кўрсатишга, ўз кечинмаларини намоён этишга имкон бермайди. Лекин бола атрофдагиларнинг баҳолашларини кутишни тўхтатган ҳолларда, бошқа уятчан бўлмаган тенгдошлари сингари у ҳам жуда очиқ ва киришувчан бўлади.

Уятчан болалар кўпинча янги муносабатлардаги муаммоларни кескин ҳал қиладилар – улар бундай муносабатлардан кечадилар. Улар рад этилиш хавфига қарши бормайдилар, яққаланишни афзал кўрадилар. Аммо одам ўз ҳаётида муҳим муносабатлар боғлаш учун бу хатарга қарши бориши лозим. Аслида кўплаб уятчан болалар суҳбатлашишни ва қулишишни



хоҳлайдилар. Сукутли ғазаб – уларнинг жамиятнинг илтифотсизлигига қарши одатий реакцияси, гарчи бу илтифотсизликка ўзлари айбдор бўлсалар ҳам.

Болаларда намоён бўлаётган юқоридаги хиссиётлар билан биргаликда, ҳозирги кунда жамиятда кам урганилган ва шу билан бирга, жамоада айникса болалар орасида анча кенг тарқалган тортинчоклик хисси ҳам бола шахси ривожланишида глобал муаммо ҳисобланади.

Тортинчоклик ҳақида кўп психологлар турлича фикрлар билдирганлар. Масалан Стенфорд “инсонлар олдида намоён буладиган курқув” деган бўлса баъзи бир илмий луғатларда эса беркиниш кўринмаслик кўрқув кабилар сифатида келган.

Тортинчоклик ҳисси болаларга қаттиқ таъсир этиши натижасида улар ўзларини идора қила олмай ҳатти-ҳаракатида таъбийлик йўқолади мимика ва овоз товушларида ҳам ўзгариш пайдо бўлади. Тортинчоқ болалар жамоа орасида иложи борица кўринмасликка ҳаракат қилишади. Дўстлари синфдошлари билан бўлган мулоқотда ўзини битта қолипга солиб туриши натижасида бундай болалар секин аста ўзини одамлардан олиб қочадилар. Агар бу ҳолатлар катталар томонидан бефарқ қолдирилса бола шундай ҳолатда улғайиб борса тортинчоклик зўрайиб бунинг оқибатида оғир невроз ҳолатига олиб келади.

Тортинчоклик ҳиссини бошдан кечираётган болада 3 хил таъсирланишни кўришиз мумкин:

1. Ташки хатти ҳаракатларида намоён бўлаётган тортинчоклик
2. Физиологик аломатлари
3. Хижолат булиш ва узини ноқулай хис қилиш

Хўш бундай ҳолатда нималар қилишимиз мумкин масалан: болалар билан тўғри мулоқот кўникмаларини шакиллантириш, болаларда атрофдаги одамларга нисбатан қизиқиш уйғотиш, катталар яъни ота - онаси билан биргаликда ўқитувчи ва тарбиячилари ҳам боланинг мулоқотга киришувчанлигини ривожлантириш учун ҳамкорликда ҳаракат қилишлари айни муддаодир. Боланинг эришган муваффақиятини сезиш, синфда хайрихоҳ муносабатларни яратиш, ўзаро ёрдамни рағбатлантириш, шахсий намуна билан ўзига тортиш, кичик ёшдаги ўқувчилар билан дўстона мулоқот усулини қўллаш орқали болаларда мослашувчанлик хусусиятларини шакиллантириб боришимиз мумкин.

Адабиётлар.

1. Э.Ғозиев Ёш даврлар психологияси (Тошкент 2010 й)
2. Ш.Р.Баротов Психологик хизмат (Тошкент 2018й)
3. Ш.М.Мирамонович “Миллий Тарақиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”(Тошкент Узбекистон 2019й).
4. Ш.М.Мирамонович “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”(Тошкент Узбекистон 2018й)
5. Интернет тармоқлари
6. Анастаси А. Дифференциальная психология М.; ЭКСМО-Пресс,-2001.



| | |
|----|---|
| 3 | Баратов Шариф Рамазонович Психологик хизмат ижтимоий – психологик муаммо сифатида |
| 9 | Хусейнова Абира Амановна Ўзбекистонда оилаларнинг мустақамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиланинг ижтимоий функциялари |
| 15 | Усманова Манзура Наимовна Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога |
| 22 | Собирова Дилафруз Абдурузиқовна Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари |
| 28 | Назаров Акмал Мардонович, Нусратова Мехринисо Бахшиллоевна Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуллари |
| 32 | Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Меҳмоновна Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари |
| 40 | Жумаев Улугбек Сатторович Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде |
| 45 | Останов Шухрат Шарифович Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари |
| 49 | Рустамов Шавкат Шухратович Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши |
| 53 | Nazarova Manzura Mustafu qizi Globalashuv jarayonida milliy til omili |
| 58 | Ахмедова Заррина Джамиловна Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида |
| 62 | Аъзамова Махлиё Абдурахимовна Махаллада психологик хизмат кўрсатишнинг эмпирик асослари |
| 67 | Остонов Жасур Шопиржонович Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-атвор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари |
| 76 | Собиров Абдулазиз Абдурузиқович Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов |
| 80 | Тилавов Мухтор Хасан ўгли, Болтаев Суннат Бахтиёр ўгли Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари |
| 85 | Рўзиев Умар Музаффарович |



| | |
|-----|---|
| | Ўспиринларда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари |
| 89 | Ҳакимова Фазолат Хошимовна Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари |
| 92 | Ғайбуллаев Алишер Асадович Спортчиларда хиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари |
| 96 | Турахонов Абдукарим Эшқузиёвич Касбий масъулият ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари |
| 104 | Кулиев Ёркин Каримович Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений |
| 108 | Ermatova Gulnoz Pirimovna Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi |
| 114 | Қабуллов Қосимбой Пиржонович, Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари |
| 118 | Ахмедова Максуда Лочиновна Ўқувчиларда ўзбек мусиқа фольклор ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари |
| | ҚУТЛОВ |
| 121 | Баротова Дилафруз Шарифовна |